

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАДИЕВ САЪДУЛЛА САМЕХЖАНОВИЧ

**БОЛАЛАР ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИНИНГ ЎТКИР ВА СУРУНКАЛИ
НОСПЕЦИФИК ЙИРИНГЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИНИ
ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Шадиев Саъдулла Самехжанович

Болалар юз-жағ соҳасининг ўткир ва сурункали
носпецифик йирингли яллиғланиш касалликларини
даволаш самарадорлигини ошириш 3

Шадиев Саъдулла Самехжанович

Повышение эффективности лечения острых и
хронических неспецифических гнойно-воспалительных
заболеваний челюстно-лицевой области у детей..... 23

Shadiev Sadulla Samexjanovich

Improving the effectiveness of treatment of acute and
chronic non-specific purulent-inflammatory diseases of the
maxillofacial region in children 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 46

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАДИЕВ САЪДУЛЛА САМЕХЖАНОВИЧ

**БОЛАЛАР ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИНИНГ ЎТКИР ВА СУРУНКАЛИ
НОСПЕЦИФИК ЙИРИНГЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИНИ
ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2144.рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар: Азимов Мухаммаджон Исмаилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Боймурадов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Шомуродов Қахрамон Эркинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Абу Али Ибн Сино номидаги
Тожикистон Тиббиёт Университети (Тожикистон)

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18- уй). (Тел./факс: (99866)-233-07-66; факс 6623775(366); e-mail: sammu@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 18. (Телефон/факс: (99866)-233-07-66. факс 6623775(366)).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Т. Насретдинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда болаларда юз-жағ соҳаси (ЮЖС) йирингли яллиғланиш касалликлари ва уларни келтириб чиқарадиган асоратларининг кенг тарқалганлиги жаррохлик амалиётидан ҳам сўнг такроран қайталаниши муаммолари ҳозирги кунгача ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Замонавий адабиётлар маълумотларига кўра «...10% дан 30% гача умумий жаррохлик йўналишидаги беморлар, ҳар йили ЮЖС юмшоқ тўқималарнинг йирингли яллиғланиш жараёнлари билан даволанади....охирги 10 йил ичида бу касаликларнинг кўпайишига, микроорганизмлар вирулентлигининг ошиши, иммунотанқислик ҳолатлар сабаб бўлмоқда...»¹. ЮЖС йирингли яллиғланиш жараёнларини кўп учраши, касалликнинг оғир шакллариининг устунлиги ва уларнинг ривожданиши натижасида атроф тўқималарнинг жалб қилинишини инobatга олган ҳолда даволашнинг энг мақбул усулини (консерватив ёки жаррохлик) танлаш, уларни қўллашнинг оптимал вақтини белгилаш ҳамда даволашнинг натижаларини баҳолаш юз-жағ жаррохлиги амалиётда ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда кейинги пайтларда ЮЖС йирингли яллиғланиш касалликларида маҳаллий ва умумий даволашда нофармакологик усуллариини кенг қўллаш, асоратларини келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлаш, уларни эрта ташхислаш ва олдини олишга қаратилган қатор илмий татқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ЮЖС яллиғланиш касалликларини даволашда комплекс патогенетик ижобий таъсирга эга бўлган, ножўя таъсири ва қарши кўрсатмалари бўлмаган янги даволаш воситаларини ишлаб чиқиш, ароматерапия воситасини қўллаш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш, табиий дори воситаларидан фойдаланиш тартибларини такомиллаштиришга қаратилган илмий татқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, ЮЖС яллиғланиш касалликларини даволашда ва уларнинг асоратларини камайтириш, шунингдек, бу касалликларининг консерватив ва жаррохлик даволаш усуллариини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли чора тadbирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислох қилиш, ногиронликни олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқган ҳолда, болалар юз-жағ соҳаси одонтоген яллиғланиш касалликлари билан касалланган беморлар сони йилдан йилга ошиб бораётганлиги, одонтоген яллиғланиш касалликларида липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнининг жадалланиши, антиоксидант тизимга функционал босимнинг ошиб боришни эътиборга олган ҳолда юз-жағ соҳаси носпецифик одонтоген яллиғланиш касалликларини комплекс даволашда тиббий озон ва арпабодиён эфир мойининг қўлланилиши натижасида беморларда юзага келадиган асоратларни ва ногиронлик кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

¹ World Health Organization. (2018). Global guidelines for the prevention of surgical site infection, 2nd ed.. World Health Organization.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сон “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг етакчи илмий марказларида юз-жағ соҳаси одонтоген яллиғланиш жараёнларининг патогенези, антиоксидант ва антигипоксантиларни қўллаш билан даволаш, катталарда озонотерапия ва қонни аутогемоультрабинафша нурлантириш билан даволаш (Е.Е. Нестерова, 2018), ёши катталарда озонотерапияни қўллаш (О.Ю. Кытикова, 2019) борасида илмий ишлар бажарилган. С.Хіе (2018) ва бошқалар таъкидлашадики, ЮЖС яллиғланиш касалликларида кузатиладиган кўп сонли асоратларнинг келиб чиқаётганлиги, янги инновацион даволаш усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш замон талаби эканлигини изоҳлайди.

Бугунги кунда юз-жағ соҳасидаги яллиғланиш касалликларини тарқалиши, диагностикаси, клиник кечиши ва даволаш бўйича бутун дунёда, шунингдек МДХ мамлакатларида кенг қамровли илмий ишлар олиб борилмоқда. Юз-жағ соҳасида ўткир ва сурункали йирингли яллиғланиш жараёнлари (ЙЯЖ) бўлган беморлар, жарроҳлик стоматологик ёрдамга муҳтож бўлганларни 40 дан 60% гача ташкил этади (Дрегалкина А. А., Костина И. Н. 2018). Охириги йилларда яллиғланишнинг секин кечувчи гипореактив шакллариининг кўпайиб бориши ва бунинг маҳаллий ва умумий асоратларга сабаб бўлаётганлиги, яллиғланиш жараёнлари профилактикаси, диагностикаси ва даволашни такомиллаштиришни долзарблигини белгилаб беради (Доржиев, Т.Э., Хитрихеев В.Е., Саганов В.П. 2017). Яллиғланиш жараёнларини кечишига химиотерапевтик воситаларни назоратсиз қабул қилиш, экологик, иқтисодий ижтимоий шарт-шароитлар ҳам катта роль ўйнайди (Блинова А.С. ва бош. 2019). Шунинг учун илм фаннинг замонавий ҳолатини ҳисобга олиб, болалар ЮЖС носпецифик йирингли яллиғланиш жараёнларини (ЙЯЖ) этиопатогенетик даволашга янгича ёндошиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада бир қанча илмий ишлар қилинган, жумладан, йирингли ярани пастинтенсив лазер нурлари билан даволаш (Кравцевич Л.А.2015), болалар юз-жағ соҳаси йирингли яллиғланиш касалликларини патогенетик даволашнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш, ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга бағишланган изланишлардир (Железный М. В., Абдуллаев Ш.Ю., Шомуродов Қ.Э., М.М.Фозилов., Ш.Ш.Қурбонов).

Мамлакатимизда етук олимлар томонидан йирингли ярани ультратовуш ёрдамида ташхислаш (Азимов М.И. 2020), яллиғланиш жараёнининг тарқалиши ва башоратлашни ўрганишга (Хасанов А.И. 2017) бағишланган ишлар бажарилган, бу борадаги тадқиқотлар диққатга сазовордир, бироқ, даволашнинг энг мақбул усулини танлаш, асоратларни олдини олишга қаратилган масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, юз-жағ жарроҳлиги амалиётида болалар юз-жағ соҳаси ўткир ва сурункали одонтоген йирингли яллиғланиш касалликларини эрта ташхислаш ва даволашни самарадор усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади ва болалар юз-жағ соҳаси носпецифик ўткир ва сурункали яллиғланиш касалликларини даволаш ташхислаш ва янги даво усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги: Илмий тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011900258 «Юз-жағ соҳаси жароҳатлари, нуқсонлари, деформациялари ва яллиғланиш касалликларида замонавий ташхислаш, даволаш ва реабилитация усулларини ишлаб чиқиш» (2019-2022йй.) мавзуси доирасида ва А-12-25 “Эфир мойли ўсимликлардан эфир мойларини ажратиш технологиясини мақбуллаштириш ва уларнинг қўлланилиш имкониятларини баҳолаш” мавзусидаги амалий гранти (2015-2017) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади:

болаларда абсцесс ва флегмоналар билан кечадиган ўткир ва сурункали одонтоген остеомиелитларни даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болалар юз-жағ соҳаси ўткир ва сурункали одонтоген йирингли яллиғланиш касалликларини тарқалганлик даражасини ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш;

одонтоген остеомиелитларда қондаги биокимёвий кўрсаткичларни ўзгаришини аниқлаш;

одонтоген остеомиелитларда ярадаги микробиоценозни газохроматографик усулда ўрганиб таҳлил қилиш;

одонтоген остеомиелитларни комплекс даволашда озонотерапия ва фитотерапияни самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази юз-жағ жарроҳлиги бўлимига юз-жағ соҳасида ўткир ва сурункали одонтоген остеомиелитлари билан мурожаат қилган 3-7 ёшдаги 102 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предмети. Умумий клиник ва биохимик тадқиқотлар учун беморларнинг веноз қони ва унинг зардоби, шунингдек беморларнинг ярасидаги экссудат микробиологик тадқиқотлар учун олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, маҳаллий текширув, инструментал, биокимёвий, газохроматографик, микробиологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда юз-жағ соҳаси ўткир ва сурункали одонтоген йирингли

яллиғланиш касалликлари 57,2% ташкил қилиб, хуудлар кесимида Ургут ва Булунгур туманларида кариес касаллиги асоратлари кўплиги сабабли кенг тарқалганлиги аниқланган;

илк бор анъанавий микробиологик усуллар билан аниқлаб бўлмайдиган микроорганизмлар, яъни *P. intermedius*, *B. forsithus*, *Treponema denticola*, маркерлари газ хроматография ёрдамида аниқланиб уларнинг юз-жағ соҳасида носпецифик одонтоген йирингли яллиғланиш касалликлари ривожланишида етакчи ўрни асосланган;

юз-жағ соҳаси носпецифик одонтоген ўткир ва сурункали остеомиелитларида липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнининг жадаллашуви ва қондаги тўйинмаган ёғ кислоталар миқдорининг камайиши сабабли антиоксидант тизимга функционал босимнинг ошиши асосланган;

юз-жағ соҳаси носпецифик одонтоген ўткир ва сурункали остеомиелитларини терапиясида анъанавий давога қўшимча озонотерапия ва арпободиён эфир мойини қўллаш орқали комплекс даволаш чора тадбирлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болалар юз-жағ соҳаси носпецифик ўткир ва сурункали одонтоген остеомиелитларини эндоген интоксикация кўрсаткичлари микроблар маркерларига ва ёғ кислоталарининг миқдorigа боғлиқлиги асосланган;

болалар юз-жағ соҳаси носпецифик ўткир ва сурункали одонтоген остеомиелитларини эрта ташхислаш ёрдамида патологик жараённи самарали даволаш усули ишлаб чиқилган;

юз-жағ соҳаси носпецифик одонтоген остеомиелитларини даволашда озонотерапия ва арпободиён эфир мойини қўллаш натижасида такомиллаштирилган даво усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиникалаборатор, инструментал, маҳаллий ва статистик тадқиқот усуллари асосида юз-жағ соҳаси носпецифик одонтоген яллиғланиш касалликларини даволашга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги, ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болалар юз-жағ соҳаси ўткир ва сурункали носпецифик остеомиелитларини эндоген интоксикация кўрсаткичлари, микроблар маркерлари ва ёғ кислоталари миқдорларининг ўзгаришларига асосланган диагностика меъзонлари ишлаб чиқилганлиги, касалликни даволашда озонотерапия ва ароматерапияга асосланган самарали усули таклиф этилганлиги, газохроматография усулида оддий микробиологик усуллар билан аниқлаб бўлмайдиган микроорганизмларни аниқланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эндоген интоксикация кўрсаткичлари ва микроблар маркерларини аниқлаш услубиятлари, ҳамда болалар юз-жағ соҳаси ўткир ва сурункали носпецифик остеомиелитларини

ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича янги услубий ёндашув ишлаб чиқилгалиги, бу усулларнинг юқори самарадорлиги, мумкин бўлган асоратларнинг ривожланишини ҳамда касалликнинг қайталаниши олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болалар юз-жағ соҳасининг ўткир ва сурункали носпецифик остеомиелитларини даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болалар юз-жағ соҳаси ўткир ва сурункали носпецифик остеомиелитларини ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида тузилган “Юз-жағ соҳаси флегмоналарида йирингли яранинг микробиологик мониторинги” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н-р/685-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада юз-жағ соҳаси флегмоналари бўлган беморларни йирингли ярасидаги микрофлорасини юқори аниқликда ва экспресс ташхислашни амалга оширишга хизмат қилиш имконини берган;

болалар юз-жағ соҳаси йирингли яллиғланиш касалликларини даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Юз-жағ соҳаси флегмоналарида эндоген интоксикацияни коррекциялаш усуллари” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н-р/686-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада таклиф этилган даволаш усуллари юз-жағ соҳаси флегмоналари бўлган беморларни даволашда тиббий озон ва арпабодиён эфир мойининг қўлланилиши даволаниш муддатини қисқартиришга ва қайталанишлар сонини камайтириш имконини берган;

юз-жағ соҳаси одонтоген яллиғланиш жараёнлари бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарканд Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Самарканд шаҳар тиббиёт бирлашмаси юз-жағ жарроҳлиги бўлимларида амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 7 июльдаги № 08-19778 сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши юз-жағ соҳасининг носпецифик ўткир ва сурункали остеомиелитлари мавжуд беморларни эрта ташхислаш, даволаш тактикасини такомиллаштириш, касаллик асоратларини камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда беморларнинг стационарда бўлиш вақтини икки баробар камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий конференцияларда, жумладан 3 халқаро ва 8 республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилмаси ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги асосланган, мақсад ва вазифалар аниқ шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметига тавсиф берилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги аниқланган ва тадқиқотнинг амалий натижалари кўрсатилган, иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, мавзу бўйича чоп этилган мақолалар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Юз-жағ соҳасининг носпецифик ўткир ва сурункали остеомиелитлари”** деб номланган биринчи бобида мазкур муаммонинг ҳолати бўйича маҳаллий ва ҳорижий муаллифларнинг илмий тадқиқот натижалари, жумладан, юз-жағ соҳаси одонтоген яллиғланиш касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, клиникаси, даволаш усулларига оид материаллар умумлаштирилган. Юз-жағ соҳаси одонтоген яллиғланиш касалликларини даволашдаги янгича ёндашув, озонотерапия ва ароматерапияни қўллашнинг асослари таҳлил қилинган. Шу билан тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган.

Диссертациянинг «Юз-жағ соҳаси носпецифик ўткир ва сурункали остеомиелитлари билан касалланган беморларни текшириш материаллари ва услуби» деб номланган иккинчи бобида, тадқиқотни материали характеристикаси келтирилган бўлиб клиник, лаборатор, биокимёвий, микробиологик ва газ хроматографияси текшириш усулларининг қисқача баёни келтирилган. Тадқиқотнинг клиник қисмида ЮЖС носпецифик одонтоген яллиғланиш касалликлари бўлган 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 102 нафар бемор болалар текширувдан ўтказилган. Тадқиқотлар Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази оғиз бўшлиғи жаррохлиги ва денгал имплантология кафедраси базаси ва СамДУ физик кимё кафедрасида олиб борилган. Беморларни танлаш ва гуруҳларга ажратишда проф. Азимов М.И. классификациясидан фойдаланиб, 1В гуруҳ беморлар ажратиб олинган. Беморларнинг 63 нафари (61,77 %) пастки жағда ўткир одонтоген яллиғланиш жараёнлари бўлган беморлар, 39 нафари (38,23 %) эса, жараённи сурункали даврга ўтиши билан мурожаат қилган беморлар ва шу билан бирга 15 нафар соғлом болалар ташкил этган.

Самарқанд вилояти бўйича болалар юз-жағ соҳаси одонтоген яллиғланиш касалликларини тарқалганлик даражасини туманлар кесимида ретроспектив ўрганилган.

2015 дан 2017 йилгача Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази юз-жағ жаррохлиги бўлимида 2210 болалар госпитализация қилинган. Шулардан юз-жағ соҳасининг яллиғланиш жараёнлари билан даволанганлар сони 1188 нафар бўлиб, бу бирламчи ЮЖЖ бўлимига ётқизилган ҳамма беморларнинг 53,75% ташкил қилган. Стационарга ётқизилган беморларнинг сони йилдан йилга ошиб борган. Ётқизилган беморларнинг 78,36% туманлардан мурожаат қилиб келишган. Туманлар кесимида Ургут ва

Булунгур туманларидан келган беморлар сони кўпроқ бўлган. Асосий йирингли яллиғланиш касалликларини миқдорини таҳлил қилганда флегмоналар 2015 йилдагига нисбатан 67,1% га, аденофлегмоналар 52,2% га, жараёни сурункали ҳолатга ўтиши 53,57% га ошганлиги кўринадди.



1-расм. Юз-жағ соҳаси касалликларини тарқалишини туманлар кесимида аниқлаш натижалари.

Беморлар маҳаллий ва умумий клиник белгиларини ўзгаришларини, биокимёвий, микробиологик ва махсус тадқиқот усуллари қўлланилган ҳолда текширилган. Биокимёвий усуллардан эндоген интоксикация маркерларини текшириш, махсус усуллардан микроблар маркерларини ҳамда қондаги ёғ кислоталарини газ хроматография усулида текшириш амалга оширилган.

Натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Office Excel 7,0 дастурида, ҳамда Statistica 6,0. амалий дастурий мажмуалар ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг “Юз-жағ соҳасининг носпецифик одонтоген ўткир ва сурункали остеомиелитларида биокимёвий ва микробиологик курсаткичларни ўрганиш” деб номланган учинчи бобида ўткир ва сурункали одонтоген остеомиелитларида қондаги биокимёвий ва ярадаги микробиологик кўрсаткичлар текширилган ва таҳлил қилинган.

Кузатиш даврида ўткир одонтоген остеомиелитлари бўлган 63 нафар беморлар текширилган ва даволанган. Улардан 37 нафари (58.73%) ўғил болалар, 26 нафари (41.27%) қиз болалар. Нормергик тип 24 та (38%) беморда ташхисланган. Яллиғланиш жараёнининг гипергик кечиши 36 беморда (57,14%) ташхисланган. Яллиғланиш реакциясининг гиперэргик кечиши 3-та беморда (4,76 %) аниқланган. Ўткир одонтоген йирингли яллиғланиш жараёнлари бўлган беморларни қонидаги эндоген интоксикация даражасини аниқлаш учун беморларда биокимёвий таҳлиллар ўтказилган. ЎММ²⁸⁰ ва ЎММ²⁵⁴ (Ўрта массали молекулалар) кўрсаткичлар Габриэлян ва

В.И. Липатова бўйича, МДА С.Г. Конюхова усулида, КА - М.А. Королук усулида аниқланди.

2- жадвал

Ўткир одонтоген остеомиелитларда беморлар қонидаги эндоген интоксикацияси кўрсаткичлари

Параметрлар	Ўлчов бирлиги	Гуруҳлар	
		Назорат	Асосий
МДА	мкмоль/л	3,50±0,23	6,56±0,28*
Каталаза	мккат/сек·л	0,90±0,06	0,28±0,03*
ЎММ ₂₅₄	у.е.	0,24±0,03	0,51±0,04*
ЎММ ₂₈₀	у.е.	0,28±0,03	0,451±0,04*
ОТК	у.е.	1,16±0,07	0,88±0,084*
МДА/Каталаза	$\frac{\text{мкмоль} \cdot \text{сек}}{\text{мккат}}$	3,89±0,16	23,43±1,38*

Изоҳ:* $P < 0,001$ даволанишигача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ишончлилиги

Жадвалдан кўриниб турибдики ЛПО нинг иккиламчи маҳсули бўлган МДА 87,4% га кўпайган бўлса каталаза фаоллигининг пасайиши 68,9% ташкил қилди. МДА/КА нисбати 6 баробар кўпайди бу эркин радикал оксидланишнинг сезиларли фаоллашганлигидан далолат беради.

Қон плазмасида ЎММ лар кўпайган: ЎММ₂₅₄ 112,5% га, ЎММ₂₈₀ эса– нормага нисбатан 60,7% га кўпайган ($P < 0,001$). Оқсилнинг турғунлик коэффиценти назорат гуруҳига нисбатан 75,9% бўлди ($P < 0,001$). Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики ЮЖС флегмоналари бўлган беморларда эндоген интоксикация, эркин радикал оксидланишнинг фаоллашуви ҳамда эндотоксикознинг гидрофил маркерларининг (ЎММ) тўпланиши билан кечади.

Ўткир одонтоген остеомиелитлари бўлган беморлар қон зардобидида ёғ кислоталарининг аниқлаш учун газохроматографик таҳлил Мухаммадиев Н.К. ва Ибадова Ш.М. усули бўйича амалга оширилган.

3- жадвал

Ўткир одонтоген йирингли яллиғланиш жараёнлари бўлган беморлар қонидаги ёғ кислоталари кўрсаткичлари

Параметрлар	Ўлчов бирлиги	Гуруҳлар	
		Назорат	Асосий
С(16:0)	%	28,48±2,02	31,46±2,80
С(16:1)	%	6,74±0,44	8,79±0,72*
С(18:0)	%	2,32±0,16	2,23±0,14
С(18:1)	%	18,63±1,32	16,68±0,82*
С(18:2)	%	35,64±2,46	34,04±2,16
С(18:3)	%	0,62±0,04	0,60±0,02
С(20:4)	%	2,86±0,16	2,23±0,21
Бошқалар	%	2,98±0,12	1,92±0,14*
∑ТЭК		69,49±0,54	63,60±0,42*

Изоҳ:* $P < 0,001$ даволанишигача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ишончлилиги

Жадвалдан кўришиб турибдики ўткир одонтоген остеомиелитлари бўлган беморлар қонида пальмитин ($28,15 \pm 1,52$ дан $32,88 \pm 1,60$ гача) ва стеарин кислотаси ($2,36 \pm 0,12$ дан $3,52 \pm 0,12$ гача) кўпайган, пальмитолиен кислотаси миқдори эса ($8,29 \pm 0,42$ дан $6,69 \pm 0,40$ гача) камайган. Буни ёғ кислоталари молекулаларидаги қўш боғларни перекисли оксидланиши билан тушунтириш мумкин. Бу фикр ёғ кислоталарининг йиғинди миқдорининг назорат гуруҳига нисбатан перекисларнинг оксидланиш жараёнларининг фаоллашганлиги сабабли, ишончли камайганлиги билан тасдиқланади.

Олинган маълумотлар яна бир марта ЮЖС йирингли яллиғланиш жараёнларида, хусусан, ўткир одонтоген остеомиелитларда липидларнинг пероксидли оксидланиши фаоллашувини исботлайди. Бунинг натижасида қўш боғларнинг узилиши туфайли тўйинмаган ёғ кислоталарининг миқдори камайиб, ЛПО маҳсуллариининг тўпланиши кўпаяди, бу ўз навбатида организмда токсемияни келтириб чиқаради. Бу фактлар даволаш чораларини режалаштирганда организмдаги ЛПО бузилишларини мейёрлаштириш ва организмни детоксикация қилишни тақозо этади.

4-жадвал

Йирингли яра ажралмаларидаги даволашдан олдинги микроорганизмларнинг маркерларини аниқлаш натижалари

№	Микроорганизм тури	Маркер	Таркиби *
1	Lactobacillus, Streptococcus, Clostridium	Миристин кислотаси (14:0)	$Y=4,73 \cdot 10^5 \cdot x$
2	Staphylococcus, Bacillus	Антеизононадекан кислотаси (a19)	$Y=1,38 \cdot 10^5 \cdot x$
		Антеизотридекан кислотаси	$Y=1,52 \cdot 10^5 \cdot x$
3	Pseudomonas stutzeri	Пентадекан (15:0)	$Y=2,61 \cdot 10^5 \cdot x$
4	Corynebacterium, Bacteroides, Nocardiosis, Nocardia	Антеизогептадекан (a17:0)	$Y=2,51 \cdot 10^5 \cdot x$
6	Actinomyces	Эйкозан (20:0)	$Y=4,21 \cdot 10^5 \cdot x$
	Propionibacterium jensenii, Streptococcus thermophilus, St. salivarius, St. mutans, Actinomyces	Эйкозен (20:1)	$Y=1,58 \cdot 10^5 \cdot x$
	Francisella	Беген (21:0)	$Y=0,17 \cdot 10^5 \cdot x$
	Mycobacterium	Гептадецен кислотаси (C _{17:1})	$Y=0,37 \cdot 10^5 \cdot x$
	Микроэукариоты	Тетракозан (24:0)	$Y=0,58 \cdot 10^5 \cdot x$
	Enbacteriwn, Clostridium	Октадецен (18:1a)	$Y=0,44 \cdot 10^5 \cdot x$
7	Candida замбуруғлари	Гептадецен кислотаси (C _{17:1})	$Y=0,37 \cdot 10^5 \cdot x$
8	Enterococcus faecalis	Циклононадекан кислотаси (19сус)	$Y=8,23 \cdot 10^5 \cdot x$

Изоҳ: *Y – маркер миқдори; x – хроматограммадаги чўққи баландлиги, мм.

Жадвалдан кўринганидек ҳар бир микроорганизмга маълум бир ёғ кислотаси шаклида ўзининг маркери характерлидир. Унинг борлиги жадвалда келтирилган аналитик боғлиқликда ифодаланган. Текширилган намуналарда миқдор жиҳатдан қуйидагилар кўп учради: Enterococcus, Lactobacillus, Streptococcus, Clostridium, Actinomyces, Corynebacterium, Bacteroides, Nocardiosis, Nocardia, Propionibacterium jensenii, Streptococcus thermophilus, St. salivarius, St. mutans, қолган микроорганизмлар кам учради.

Кўрсатилган муддат давомида пастки жағ сурункали остеомиелити бўлган 39 та беморда текширувлар олиб борилди. Шулардан 21 (53,8%) нафари ўғил болалар 18 (46,2%) нафари қиз болаларни ташкил қилди. Улардан 12 таси бўлимга биринчи марта яллиғланиш жараёни сурункали даврга ўтиб, рентгенологик секвестрлар ҳосил бўлганлиги тасдиқлангандан кейин госпитализация қилинган.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ЛПО нинг иккиламчи маҳсули бўлган МДА 2,7 мартага кўпайган бўлса, каталаза активлигининг пасайиши 7,5 баробарни ташкил қилди. МДА/КА нисбати 20 баробар кўпайди бу эркин радикал оксидланишнинг сезиларли активлашганлигидан далолат беради.

Қон плазмасида нормага нисбатан $\dot{Y}MM_{254}$ 3.7 баробар, $\dot{Y}MM_{280}$ эса 2.8 баробарга кўпайган ($P < 0,001$). Оқсилнинг турғунлик коэффициенти назорат гуруҳига нисбатан 22,5% га пасайган ($P < 0,001$). Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, жағларда сурункали остеомиелити бўлган беморларда эндоген интоксикация, эркин радикалли оксидланишнинг фаоллашуви ҳамда эндотоксикознинг гидрофил маркерларининг ($\dot{Y}MM$) тўпланиши билан кечади.

Шу билан бир қаторда сурункали одонтоген остеомиелити бўлган беморлар қонда ёғ кислоталари миқдорлари ўрганилганда пальмитин ($28,48 \pm 2,02$ дан $32,16 \pm 2,84$ гача) ва пальмитолиен кислотаси ($6,74 \pm 0,44$ дан $8,93 \pm 0,74$ *гача) кўпайган, олиен кислотаси ($18,63 \pm 1,32$ дан $15,93 \pm 0,78$ *гача) ва линол кислотаси миқдори эса ($35,64 \pm 2,46$ дан $33,83 \pm 2,11$ гача) камайган. Ушбу беморларда ярадаги микроорганизмларнинг маркерлари ҳам газ хроматографияси усулида текширилиб Enterococcus, Lactobacillus, Streptococcus, Clostridium, Actinomyces, Corynebacterium, Bacteroides, Nocardiosis, Nocardia, Propionibacterium jensenii, Streptococcus thermophilus, St. salivarius, St. Mutansларнинг кўп учраши, қолган микроорганизмнинг эса кам учраши аниқланди. Газ хроматографияси усулида оддий бактериологик текширув усулларида аниқлаш имкони бўлмаган Lactobacillus, Clostridium, Pseudomonas stutzeri, Corynebacterium, Actinomyces, Propionibacterium jensenii каби микроорганизмлар ҳам топилган.

Диссертациянинг **“Озонотерапия ва ароматерапияни қўллаш самарадорлигини текшириш”** деб номланган тўртинчи бобида одонтоген ўткир ва сурункали остеомиелитларни даволашда озонотерапия ва фитотерапияни қўллагандаги тадқиқот натижалари келтирилган. Тиббий озоннинг антибактериал, антигипоксик, дезинтоксикацион, трофик (микроциркуляцияни яхшилаши), иммунокоррекцияловчи ва ҳоказо таъсирларини ҳисобга олиб ўткир одонтоген остеомиелитда озон маҳаллий

ва умумий қўлланилган. Маҳаллий: тўқималарни озонланган 0,9% натрий хлор билан инфльтрацияси кўринишида инъекцион блокадалар, яраларни ва бўшлиқларни озонланган дистилланган сув билан ювиш, дистилланган озонланган сув билан оғиз бўшлиғини чайиш. Яраларни озонланган дистилланган сув билан ювиш кунига бир марта эрталабки боғлам пайтида учи ўтмаслаштирилган катта нинали шприц ёрдамида амалга оширилди. Бир боғламга 30-50 мл эритма сарф қилинди.

Шунингдек 0,9 % ли 100 мл озонланган физиологик эритма вена ичига томчилаб юбилди. Озонкислород аралашмаси концентрацияси бемор оғирлигининг 1 кг га 20 мкг ҳисобида олинди. Бундай муолажа кун ора 3-5 марта амалга оширилди. Куйиш тезлиги дақиқасига 60-70 томчи. Хамма беморлар муолажани яхши кўтарди, ноҳўя реакциялар кузатилмади.

Маҳаллий ва умумий клиник белгиларни ўрганиш учун ҳар бир текширилувчи гуруҳларда Дусмухамедова Х.К. (1995) томонидан тузилган маълумот-ташхислаш картаси, кодификатор такомиллаштирилди.

Касаллик белгиларини даражалаш учун, белгиларни қабул қилинган интенсивлиги ёки уларнинг тарқалганлик даражаси ҳисобга олинди. Баъзи бир диагностик белгилар алоҳида қисмлардан иборатдир. Масалан 4 белги: “келгандаги шикоятлари” 5 қисмдан иборат. Бунда ҳар бир қисмнинг йўқлиги бир ёки “0” балл билан, борлиги эса -2 (икки) бал билан баҳоланади. Белгининг коди бу ҳолатда ташкилий қисмларга боғлиқ бўлади. Мисол учун: келгандаги шикоятлар 5 қисмдан иборат бўлса, код бор бўлган қисмлар (2+2+2+2+2=10) ва бўлмаганлар йигиндисидан иборат бўлади.

Ўткир одонтоген остеомиелитларда озонотерапия қўлланилгандаги маҳаллий ва умумий белгиларининг ўзгаришлари жадвалда келтирилган (5-жадвал).

5-жадвал

Ўткир одонтоген остеомиелитда клиник белгиларнинг ўзгариши (балларда)

Белгилар	Даволаниш гача	Даволанишдан кейин	
		I группа (контроль) n=18	II группа n=16
Умумий белгилар	21,6±0,60	10,0±0,55*	6,5±0,40*
Маҳаллий белгилар	36,9±0,77	18,2±1,10*	13,6±0,93*

Изоҳ: * - $P < 0,05$ даволанишгача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ишончлилиги

Жадвалдан кўриниб турганидек ўткир одонтоген остеомиелитларни даволанишдан олдин умумий ва маҳаллий белгилар 21,6±0,60; 36,9±0,77 балларни ташкил этди, даволанишдан кейин 3-4 суткада 2 гуруҳ беморларда 6,5±0,40; 13,6 ± 0,93, назорат гуруҳида эса – 10,0±0,55; 18,2±1,10 бўлди. Даволанишдан олдин умумий ва маҳаллий белгилар ривожланган бўлиб, озонотерапия қўлланилгандан кейин белгилар II гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан тезроқ йўқолган.

Шундай қилиб, ЮЖС ўткир одонтоген остеомиелитлари бор беморларда даволашнинг 3-4 суткасида умумий ва маҳаллий белгиларнинг динамик камайиши кузатилди. Бунда умумий ва маҳаллий белгиларнинг

камайиши II гуруҳ беморларида назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ бўлди. Шу билан бирга бу гуруҳдаги беморларда интоксикациянинг клиник белгилари тезроқ бартараф бўлиб, томир уриши, тана харорати (3-4 суткада), уйқуси ва иштахаси, диспепсик ҳолатлар (4-5 суткада) меъёрига келди, маҳаллий белгилардан юмшоқ тўқималар шиши, оғриқнинг йўқолиши, 4-5 суткада ярадаги экссудатнинг сезиларли камайиши кузатилди.

Ўткир одонтоген остеомиелитлари бўлган беморларда озонотерапиядан олдинги ва кейинги қондаги эндоген интоксикация маркерлари кўрсаткичлари 6-жадвалда кўрсатилган.

6-жадвал

Ўткир одонтоген остеомиелитлари бўлган беморларда озонотерапиядан олдинги ва кейинги қондаги эндоген интоксикация маркерлари кўрсаткичлари

Параметрлар	Гуруҳлар			
	Назорат	Даволашдан олдин	Анъанавий	Озонотерапия
МДА	3,50±0,23	6,56±0,28*	4,28±0,33	3,81±0,22
Каталаза	0,90±0,06	0,28±0,03*	0,72±0,06	0,88±0,05
МСМ254	0,24±0,03	0,51±0,04*	0,31±0,03	0,25±0,02
МСМ280	0,28±0,03	0,45±0,04*	0,33±0,03	0,29±0,03
КУБ	1,16±0,07	0,88±0,08*	1,06±0,08	1,12±0,06
МДА/Каталаза	3,89±0,16	23,43±1,38*	5,95±0,22	4,33±0,17

Изоҳ: * - $P < 0,05$ даволанишигача булган кўрсаткичларга нисбатан ишончлилиги.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики ЛПО нинг иккиламчи маҳсули бўлган МДА беморларни бўлимдан чиқариладиган кунда анъанавий гуруҳга нисбатан 10,99% га, келгандаги кўрсаткичларга нисбатан 41,93% камайган. Каталаза активлиги анъанавий гуруҳга нисбатан 122,22 % га, келгандаги кўрсаткичларга нисбатан 314,28 % га ошган. Қон плазмасида ЎММ миқдори камайган: ЎММ²⁵⁴ анъанавий гуруҳга нисбатан 19,36 % га, келгандаги кўрсаткичларга нисбатан 50,99% га камайган, ЎММ²⁸⁰ эса ЎММ²⁵⁴ анъанавий гуруҳга нисбатан 12,13 % га, келгандаги кўрсаткичларга нисбатан 35,56% га камайиши кузатилиб меъёр кўрсаткичларига яқинлашган ($P < 0,001$). Оксилнинг турғунлик коэффициенти (ОТК) анъанавий гуруҳга нисбатан 105,66 % га, келгандаги кўрсаткичларга нисбатан 127,27% га кўпайган ($P < 0,001$). МДА/КА нисбати анъанавий гуруҳга нисбатан 27,23 % га, келгандаги кўрсаткичларга нисбатан 81,52% га камайган. Олинган маълумотлар озонотерапиянинг қисқа муддатларда антиоксидант тизимда мусбат мувозанатга етишишга ёрдам беришини тасдиқлайди.

Ўткир одонтоген остеомиелитлари бўлган беморларда озонотерапиядан олдинги ва кейинги қондаги ёғ кислоталарининг кўрсаткичлари 7-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ўткир одонтоген яллиғланиш касалликлари бўлган бемор болалар қонида пальмитин (16:0) кислотаси анъанавий гуруҳга нисбатан 2,5 % га, келгандаги кўрсаткичларга

нисбатан 8,2% га камайган. Пальмитолиен (16:1) кислотаси анъанавий гуруҳга нисбатан 4,77 % га, келгандаги кўрсаткичларга нисбатан 32,64% га камайган. Олиен кислотаси (18:1) анъанавий гуруҳга нисбатан 4,82 % га, келгандаги кўрсаткичларга нисбатан 1,9% га камайган. Шунингдек тўйинмаган ёғ кислоталарининг суммар миқдорининг анъанавий гуруҳга нисбатан 1,81% га, келгандаги кўрсаткичларга нисбатан 3,36% га кўпайиши кузатилди.

7-жадвал

Ўткир одонтоген остеомиелитлари бўлган беморларда озонотерапиядан олдинги ва кейинги қондаги ёғ кислоталарининг кўрсаткичлари (%)

Параметрлар	Гуруҳлар			
	Назорат	Даволашдан олдин	Анъанавий	Озонотерапия
C(16:0)	28,48±2,02	31,46±2,80	29,62±1,88	28,88±1,94
C(16:1)	6,74±0,44	8,79±0,72*	7,14±0,42	6,80±0,41 ^a
C(18:0)	2,32±0,16	2,23±0,14	2,26±0,13	2,33±0,14
C(18:1)	18,63±1,32	16,68±0,82*	17,82±0,91	18,68±0,94
C(18:2)	35,64±2,46	34,04±2,16	35,08±2,22	35,52±2,18
C(18:3)	0,62±0,04	0,60±0,02	0,61±0,03	0,62±0,03
C(20:4)	2,86±0,16	2,23±0,21	2,64±0,17 ^a	2,82±0,18
Бошка	2,98±0,12	1,92±0,14*	2,56±0,11 ^a	2,92±0,11
Тўйинмаг. ёғ кис. Σ	64,49±0,54	62,34±0,42	63,29±0,54	64,44±0,54

Изоҳ: * -назорат ва асосий гуруҳ кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ ишончли;

8-жадвал

Ўткир одонтоген остеомиелитда йирингли яра ажралмаларидаги озонотерапия қўлланилгандан кейинги микроорганизмларнинг маркерларини ГСХ усулида аниқлаш натижалари

№	Микроорганизм	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин	
			анъанавий	озонотерапия
1	Streptococcus	$Y=6,46 \cdot 10^7 \cdot x$	$Y=3,71 \cdot 10^3 \cdot x$	$Y=1,31 \cdot 10^2 \cdot x$
2	St.pyogenes	$Y=4,21 \cdot 10^5 \cdot x$	-	-
3	St.epidermid.	$Y=4,38 \cdot 10^5 \cdot x$	$Y=2,41 \cdot 10^3 \cdot x$	$Y=3,18 \cdot 10^2 \cdot x$
4	Enterococcus faecalis	$Y=8,24 \cdot 10^5 \cdot x$	$Y=2,18 \cdot 10^1 \cdot x$	-
5	Proteus	$Y=2,71 \cdot 10^5 \cdot x$	$Y=3,31 \cdot 10^3 \cdot x$	$Y=2,12 \cdot 10^1 \cdot x$
6	E.coli	$Y=2,33 \cdot 10^8 \cdot x$	$Y=3,26 \cdot 10^4 \cdot x$	$Y=2,34 \cdot 10^2 \cdot x$
7	Bacillus sp.	$Y=1,08 \cdot 10^5 \cdot x$	$Y=1,13 \cdot 10^3 \cdot x$	$Y=0,66 \cdot 10^3 \cdot x$
8	Candida Albicans	$Y=4,11 \cdot 10^7 \cdot x$	$Y=2,27 \cdot 10^4 \cdot x$	$Y=3,56 \cdot 10^2 \cdot x$

Изоҳ: *Y – маркер миқдори; x – хроматограммадаги пик баландлиги, мм.

Газ хроматографияси усулида микробиологик текширувлар учун бемор болалар ярасидан материал операциядан кейин 1-суткада, операциядан кейин 3-суткада ва бўлимдан чиқариш пайтида 5-6 суткада олинди (8-жадвал). Йирингли яра микрофлорасини ташкил қилувчи микроорганизмларнинг 15 штамми аниқланди. Микроорганизмлар спектри асосан граммусбат, грамманфий бактериялар ва Candida ачитки замбуруғларидан иборат бўлди.

ЮЖС флегмоналари бўлган болалар микрофлораси хилма-хил бўлиб патоген, шартли патоген ва сапрофит микроорганизмларни ўз ичига олди.

Аниқланган микроорганизмлардан грамманфий таёкчали шартли-патоген микроорганизмлар, граммусбат кокклар ва Candida замбуруғлари спектри кенгроқ бўлди. Сапрофит бактериялар асосан микрококклардан (Micrococcus) иборат бўлди. Патоген бактерияларни - St. aureus ва Str. Pyogenes ташкил қилди. Шундай қилиб болалар йирингли ярасидаги микрофлора кенг хилма-хилликка эга бўлиб ижобий рол бажарадиган сапрофитлардан йирингли яра ҳосил бўлишига олиб келадиган патоген микроорганизмларгача ўз ичига олди. Ярадаги йиринг текширилганда бир турдаги бактериялар (моноинфекция), ва бир неча микроорганизмлар ассоциацияси аниқланди. Моноинфекцияда асосан E coli, St. aureus, Str. epidermidis, S.pyogenes, Д гуруҳдаги St. (энтерококклар) аниқланди.

